



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki

"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank

Акциядорлик коммерческий банк "Ўзбекский промышленно-строительный банк"

акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 37-сонли баённомасидан кўчирма

Манзил: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ биноси,
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси. 3

2018 йил 20 июнь
иш вақти 11.00-13.00

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларнинг 2017 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишини Банк Кенгаши аъзоси - У.Мухтаров очди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Уставига биноан Банк Кенгаши томонидан 2018 йил 25 майда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги хабар Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди, «Биржа» иқтисодий газетасининг 2018 йил 12 июндаги 66-сонда эълон қилинди ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2018 йил 14 июнь деб белгиланди.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўпланганлиги*) бўйича сўз Санок комиссиясининг раиси Жасур Матназаровга берилди. Санок комиссияси томонидан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2017 йил 5 декабрь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 70 952 128 922 дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 254 та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2018 йил 14 июнь ҳолатига Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 76 042 814 208 дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 276 та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси Раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 66 870 594 017 дона ёки 87,94 фоизига эгалик қилувчи 21 нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи Банк Кенгаши аъзоси - У.Мухтаров банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядорлари, уларнинг вакиллари ҳамда Банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида хабар берди.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш ҳайъати: У.Мухтаров (Раислик қилувчи), Ё.Турсунов, О.Юсупов, А.Воитов.

Йиғилиш котибияти: З.Баймурадова, К.Хасанова

Санок комиссияси: Ж.Матназаров, Д.Расулев, А.Султанмурадова.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.

3. Банкнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. Банк фойдасини тақсимлаш.
6. Банк капитали таркибидаги захиралар ҳисобини мувофиқлаштириш.
7. Акция эгаси ёки эгасининг конуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Банк ихтиёрига (даромадига) ўтказиш.
8. Банкнинг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақаларидаги активларни ҳисобдан чиқариш.
9. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 (бир) йил муддатга узайтириш.
12. Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
13. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.
14. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2018-2022 йиллар учун ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишни иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи бўйича маърузачига - 20 дақиқагача;
- Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи бўйича маърузачига - 20 дақиқагача;
- Маърузалар бўйича муҳокамалар учун - 25 дақиқагача;
- Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 15 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала - “Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-гадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш” масаласи юзасидан Банк Бошқаруви Раиси в.б. – А.Воитов маъруза қилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - “Банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш” масаласи бўйича Тафтиш комиссияси Раиси О.Худойбердиев маъруза қилди

Кун тартибининг қолган масалари бўйича йиғилишга раислик қилувчи У.Мухтаров батафсил тўхталиб ўтди ва тегишли тушунтиришларни берди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳамда киритилган таклифлар ва овоз бериш якунларини ҳисобга олган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилиши - “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни республика иқтисодиёти ва банк тизимини ислоҳ этиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ҳукумат қарорларини бажариш йўлида барқарор фаолият юритаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, йиғилиш раиси У.Мухтаров 2017 йил якунлари бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг компаниясининг “uzA+” даражасидаги «Барқарор» прогноз билан юқори рақобатбардошлик рейтингини қўлга киритганлигини маълум қилди. Бундан ташқари, банкнинг барқарор ривожланиб бораётганлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланганлигин, жаҳонда юқори нуфузга эга бўлган “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ рейтингини “B+” даражада “Барқарор” истикболи билан қайта тасдиқлаганини, яна бир нуфузли рейтинг агентлиги “Standard&Poor’s” ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга “B+” даражада “Барқарор” бўлган халқаро рейтингини қайта тасдиқлаганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг иктисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иктисодиётни модернизациялаш бўйича инвестицион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш, бозор ва банк инфратузилмасини кенгайтириш, молиявий кўрсаткичларни янада яхшилаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган қарорлар ва дастурларни бажаришда Ўзсаноатқурилишбанкнинг фаоллигини ошириш мақсадида, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Банк акциядорларининг умумий йигилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

2. Банк Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 837 605 187 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 32 988 830 овоз.

3. Банкнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

5. Банк Кенгаши тавсия этган 2017 йил банк фойдасини тақсимлаш тартибига розилик билдирилсин.

Тақсимланиши лозим бўлган 85 707,9 млн. сўм фойда қуйидагиларга йўналтирилсин:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга - 34 283,2 млн. сўм;
- “Стандарт” деб таснифланган активлар бўйича захира - 20 000,0 млн. сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга - 1 616,9 млн. сўм (йиллик 23% ҳисобидан);
- Банкнинг оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашга - 28 896,3 млн. сўм (йиллик 2% ҳисобидан);
- Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини тақдирлашга - 790,3 млн. сўм;
- Тақсимланмаган фойдада қолдириладиган маблаг – 121,2 млн. сўм.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 65 739 847 192 овоз, “Қаршиман” - 3 145 овоз, “Бетарафман” - 1 130 743 680 овоз.

6. Банк Кенгашининг банк капитали таркибидаги ташкил этилган девальвация учун захирани умумий мақсадли захирани шакллантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик билдирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 837 605 187 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 32 988 830 овоз.

7. Акция эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Банк ихтиёрига (даромадига) ўтказишга руҳсат берилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 65 768 809 682 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 1 101 784 335 овоз.

8. Банкнинг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақаларидаги активларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги Банк Кенгашининг 2017 йил 12 декабрдаги 82/2017-сонли ва 2018 йил 24 майдаги 36/2018-сонли баённома қарорлари тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 64 761 482 092 овоз, “Қаршиман” - 974 338 760 овоз,

“Бетарафман” - 1 134 773 165 овоз.

9. Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда кейинги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар 1 (бир) йил муддатга сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони	Тўпланган овозлар (фоизда)
1	Вафаев Шухрат Абдушарифович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори	161883836033	26,90%
2	Мухтаров Улуғбек Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринбосари в.в.б.	161824655939	26,89%
3	Юсупов Олим Анварович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқарма бошлиғи	161724921344	26,87%
4	Мустафоев Улуғбек Мавлонович	"Ўзбекэнерго" АЖ Бошқаруви Раиси	25992395221	4,32%
5	Султанов Алишер Саидаббасович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари - «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси	25089076370	4,17%

6	Хайдаров Ахадбек Яхебекович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	16320027530	2,71%
7	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич	“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” ДК Бош директори	16320027530	2,71%
8	Турсунов Ёрқин Эргашевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси ижро этувчи директори	16315797505	2,71%
9	Калонхужаев Расохон Рустамхужа уғли	“Ўзбек-Омон инвестицион компанияси” МЧЖнинг Бош директор ўринбосари	15048577151	2,50%

10. Банк Тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими
1	Худойбердиев Олимжон Абдуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси, бош мутахассис
2	Хамидов Расул Таваккалович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлиғи ўринбосари
3	Дарвишев Нурбек Муратович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси, бўлим бошлиғи
4	Маманов Илхом Ахматович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари
5	Акрамов Аким Воҳидович	“Ўзнефтмахсулот” АЖ, бухгалтерия бош мутахассиси

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

11. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 869 260 722 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - 1 333 295 овоз.

12. Банк Уставининг янги таҳрири тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

13. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

14. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2018-2022 йиллар учун ривожланиш стратегияси тасдиқлансин (шова қилинади).

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 66 870 594 017 овоз

“Ёклайман” - 66 870 594 017 овоз, “Қаршиман” - йўқ, “Бетарафман” - йўқ.

Акциядорларнинг умумий
йиғилиши Раиси:

У. Мухтаров

Йиғилиш котибияти:

З. Баймурадова

К. Хасанова

ASLIGA TO'G'RI

